

# Шеъриятнинг муҳташам саройига марҳабо !

*Табиат-илоҳий мўъжиза. Кутилмаганда ер куррасининг қаеридадир улуғ иқтидор туғилади ва инсоният жамиятини ҳайратга солади. Бу энг олий мўъжизадир.*

*Марҳабо ўз ёшига қараганда анча илгарилаб кетган ақл ва ҳиссиёт соҳибаси. У шеърият маҳоратини ёшига нисбатан етарли даражада эгаллаган, дунёга ўз нуқтаи назари билан қарайдиган ва уни тўғри англайдиган шоира. Ўйлаймизки, шеъриятнинг муҳташам саройига гўзал бир шоира кириб келаётир. Бу йўлда унга оламжаҳон омад тилаб қоламиз.*

ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР КОНКУРСИ

### ОРЗУ

Бўлиб қолсам мен агар,
Донишманд бир сеҳргар.
Ясар эдим мен бир тоғ,
Ҳаммаёғи музқаймоқ.
Еяр эдим бир бошдан,
Кечиб ҳатто гўшт, ошдан.

### САВОЛ

Илк бор Тошкент шаҳрига,
Келган жажжи қизалоқ.
Отасидан сўради,
Боқиб ҳайрон ва қувноқ:
— Айтинг, бунча баланддир,
Анов уйларнинг бари.
Қандай олар болалар,
Чиқиб кетса томга шари?

### УЙҚУЧИ

Салим жуда уйқучи,
Ундан сўраб кўринг-чи?
Қаерга борган экан...
Салим дейди керишиб,
Совқотгандай тиришиб:
— Самолётда учганман,
Булутларни қучганман.
Бошлиқлардай керилиб,
Буйруқларни берганман.
— Қачон, Салим, қаерда?
— Ҳа, айтгандай тушимда...

### РАССОМ

Бўш бўлганда Ғанивой,
Доим сурат чизади.
Бир кун бир уй чизибди,
Томи ойга етади.
— Бунча баланд чизибсан,
Кичкина уйнинг томин?
— Ойимга ўхшаб мен ҳам
Чўздим ойнинг қулоғин.

### ЁНҒОҚ ОРЗУСИ

Ўзимни таништирай,
Исми шарифим ёнғоқ.
Ўсаман ҳамма жойда,
Мевам эса нуқул ёғ.
Ёғочимдан қилишар,
Болажонларга бешик.
Усталар уйлар учун,
Қиларлар рому-эшик.
Илдизимдан олинар,
Хаста беморга дармон.
Мени еса одамлар —
Қолмас дилда дард — армон.

### ЧЎЛПОН ХИТОБИ

Билолмадим ҳеч сира,
Айбим нимада?
Айтинг, нимани кўрдим?!
Яшаб дунёда...
"Халқ душмани" эмасман,
Ишонинг, дўстлар!
Ахир алдамайди-ку,
Тик боққан кўзлар...

### ТЎРТЛИК

— Айт-чи, муз устида жанг,
Бўлган қаерда, қачон?
— Билмам, лекин ўша муз,
Эриган аллақачон...





**Марҳабо УМУРЗОҚОВА,**
**Жиззах вилояти, Зомин туманидаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.**



**Ўрикнинг ўзи ширин,**
**Меваси ундан ширин.**

**Суюкли набирам БАҲОДИРЖОН!** Сен ўз хулқу одобинг билан ака-опаларингга ибратсан. 8 баҳорни қаршилаган кунингдаги севинчу шодликларингга биз ҳам шерикмиз. Сенинг камолотингни кўриб қувнаб юриш бизларга насиб этсин. Чеҳрангдан табассум аримасин.



**Суюкли набирам САЙЁРА!**

Умрингнинг еттинчи баҳорини қаршилаган онингда сени қутлуғ айёминг билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Оиламиз эркаси, ягона ғунчасига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Умринг боқий, сермазмун бўлсин!



**Жажжи набирам ҚИММАТОЙ!**

Исминг жисмингга монанд оиламиз гулғунчасисан. Ширинсан, доносан, ота-онангга меҳрибонсан.

5 ёшингни қаршилаган қутлуғ айёминг билан сени чин қалбимдан муборакбод этаман. Сенга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Толеинг баланд бўлсин, она қизим!

**Сизларни қутлаб: Мапрат бувинг, Хикмат аканг, кеннойинг, Отабек, Ойбек, Сабоҳатлар.**

## БИР СУРАТ ТАРИХИ



50-йиллар эди. Ўшанда Островский номли кашшофлар саройида ёш қаламкашлар тўгараги билан бир қаторда, адабий ўқиш тўгарагида ҳам машғулотлар борарди. Бу тўгаракларни шоир Ғайратий ҳамда артист Рамз Тўхтаев бошқарарди. Мен ана шу тўгаракларга қатнаб турардим.

Бир куни саройимизга Ғафур Ғулом келармиш, деган хабар тарқади. Мен ҳам уларнинг шеърларидан бирини ёд оладиган бўлдим.

Ниҳоят кутилган кун келди. Учрашув майдони катта-ю кичик билан гавжум. Кимлардир "Сал сурил, сал сурил" деб жой сўраган, яна бошқа болалар эса шоирни кўриш илинжида дарахтга тирмашган. Ғафур Ғулом буларнинг барини кўзлари қувониб кузатиб турардилар. Рости, одам кўплиги-ю шоирнинг салобати босиб, тутилиб қолсам-а, дегандим, йўқ, ундай бўлмади. Шеърни ҳаяжон билан, лекин дона-дона қилиб айтиб бердим. Шодиёна давомида сўзга чиққан шоирнинг сўзлари ҳамон ёдимда:

— Сизлар билан учрашганимдан жуда мамнунман. Кўплигингизни кўриб жуда қувонаман. Чунки халқимиз айтганидек, ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи.

Учрашув сўнгида барчамизга баробар меҳр билан боққан шоирга ҳурматимиз гулдастасини тутаётганимда "Қирқта бўлса қилиғи бошқа" тенгдошларимдан бири бизни суратга олишга улгурган экан.

**Тўлқин ИЛҲОМОВ.**



Фарҳодбек



Паҳлавон



Ғайратбек



Дилафрўзхон



Гулзорахон



Акрамжон

Ҳурматли синфдошларимиз ФАРҲОДБЕК, ПАҲЛАВОН, ҒАЙРАТБЕК, ДИЛАФРЎЗХОН, ГУЛЗОРАХОН, АКРАМЖОН, ГУЛНИГОРАХОН! Сизларни туғилган кунларингиз билан самимий қутлаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, ўқишларингизга ривож, оилангизга тотувлик тилаймиз.

Келгусида мустақил Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишингизга ишонамиз. Омад ҳамиша ёр бўлсин!

Сизларга эзгу-ниятлар билдириб, синф раҳбарингиз ҳамда синфдошларингиз.

**Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги 11-мактабнинг 6-"В" синф ўқувчилари.**



Гулнигорахон

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Нашр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г–287. 56001 нусхада босилди. Ҳажми – 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А – 3.
Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00. 1 2 3 4 5 6